

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАУПОВА МУНИРА МУРОДОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Раупова Мунира Муродовна

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш

технологияси..... 5

Раупова Мунира Муродовна

Технология развития правового сознания у учащихся начальных классов ... 25

Raupova Munira Murodovna

Technology for the development of legal awareness of primary school students .. 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАУПОВА МУНИРА МУРОДОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped918 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Адилов Бахтиёр Раҳмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Хасанова Кибриё Хасановна
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ётақчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "25 декабрь" соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (70 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2021 йил "10 12" кунни тарқатилди.
(2021 йил "10 12" даги "11" - рақамли реестр баённомаси).



Х.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий Кенгаш раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.Р.Урақов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) пед.ф.б.

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбиясини ташкил этишнинг инновацион тизимини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. XXI аср таълими бўйича халқаро комиссиянинг “Таълим: сирли хазина” деб номланган маърузасида ўсиб келаётган авлодни ҳуқуқий тарбиялаш зарурати ортиб бораётганлиги алоҳида қайд этиб ўтилган. ЮНЕСКО лойиҳаси асосида яратилган машҳур мутахассис-педагогларнинг ҳамкорликдаги ишларида ҳар бир болада ўзи ва атрофдагилар, ўтмиш ва бугунги авлод олдидаги масъулиятни шакллантириш орқали ўсиб келаётган авлодни тинчлик ва шахс ҳуқуқини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш асосида Ер сайёрасини сақлаб қолиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Фуқаролик жамиятини барпо этиш, бошланғич таълим босқичида ўқувчиларда ҳуқуқий онгни шакллантириш, уларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаб етишларини тақозо этади.

Дунёда компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштириш, ижтимоий лойиҳалаш ва моделлаштириш асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини ташкил этишнинг дидактик шарт-шароитларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий тушунчаларни шакллантириш орқали фаол фуқаролик компетенциясини таркиб топтириш, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тарбияси диагностикаси ва коррекциясини ташкил этишнинг устувор йўналишларини аниқлаштириш, оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда ҳуқуқий саводхонликни шакллантиришнинг интегратив технологияларини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни шакллантиришга доир дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни модулли ўқитиш технологияларини қўллаш асосида ташкил этишнинг дидактик тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Республикамизда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбия ишларининг тизимли ва узвий равишда олиб борилиши, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу борада бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, ҳуқуқий тарбияни ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сон “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ҳуқуқий таълим-тарбия, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш бўйича Ҳ.Бобоев, З.Исломов, У.Тожионов, А.Саидов, О.Каримова, А.Рафиқов, Ҳ.Тўйчиева, О.Насриддинова каби ҳуқуқшунос ва файласуф олимлар, ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбияси, ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари юзасидан М.Усмонбоева, Т.Кудайбергенова, Н.Сайидалиходжаева, А.Холиқов, А.Кадреквалар, ҳуқуқий онгнинг психологик хусусиятлари бўйича Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, Б.Жўраевлар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан А.Авдеев, Д.Агапов, С.Байжуминов, О.Богатикова, В.Боев, С.Брикина, А.Гоголева, С.Головин, Д.Гуров, О.Комарова, И.Куригина, Л.Лушина, Л.Матвиенко кабилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлигида фуқаролик таълимини такомиллаштиришнинг педагогик асослари, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбияси, ҳуқуқий ахборотга эғалик ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, дарсдан ташқари вақтда ўқувчиларда ҳуқуқий тасаввурларни ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан M.Baumgartner, D.Black, W.Krawietz, N.Luhmann, G.Riechers, H.Weber-Grellet, P.Werner, Marc Hertogh, James L. Gibson, Gregory A. Caldeira, Roger Cotterell, David Nelken, Reinhard Zimmermann кабиларнинг тадқиқотларида ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва маданиятни

шакллантиришнинг антропологик ва миллий ўзига хосликлари очиб берилган, ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга доир ёндашувлар қиёсий таҳлил этилган.

Бироқ бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари, ўқувчиларда ҳуқуқий тасаввурларнинг ривожланганлигини баҳолашнинг диагностик тизими, ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтиришнинг дидактик шарт-шароитларини ишлаб чиқишга доир махсус тадқиқот амалга оширилмаган. Бу эса, бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришга доир илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг БВП-1-001. “Вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлашда соҳалараро ёндашувнинг илмий-услубий асосларини яратиш” (2017-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

бошланғич таълим жараёнида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг педагогик технологиясини ишлаб чиқиш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришда нарратив ўйинлардан фойдаланишнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 12-ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактаби, Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 16-, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабларнинг 376 нафар респондент-ўқувчилари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-таҳлилий ўрганиш ва таҳлил этиш; илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, суҳбат, тест); педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш тузилмаси когнитив, хулқ-атворга доир, эмоционал-баҳоловчи компонентларнинг кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ ихтиёрий хулқ-атворнинг янги кўриниши сифатида рефлексия ва ҳаракатларни режалаштириш кўникмалари билан идентивлигини таъминлашга доир ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишнинг дидактоген алгоритмини босқичма-босқич лойиҳалаш орқали аниқлаштирилган;

бошланғич таълим жараёнида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг ижтимоий интеллектни таркиб топтиришга доир педагогик хусусиятлари ўз-ўзини мустақил баҳолаш, ўзини намоён этишга интилиш, маънавий-ахлоқий муносабатлар тажрибасини ўзлаштириш каби таянч маънавий компетенцияларни вариатив ўйинлар воситасида таркиб топтиришга йўналтирилган фасилитатив муҳит барқарорлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг педагогик технологиясининг ташкилий-жараёнли босқичи ахлоқий-ҳуқуқий мавзудаги бадиий асарларни шарҳлаб ўқиш, видеосюжетларни жуфтлик ва кичик гуруҳларда таҳлил этиш, ўзининг салбий хулқини мустақил баҳолашга доир рефлексив ва проектив методикаларнинг продуктивлигига эришиш бўйича педагогик челленжларни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳуқуқий онгни ривожлантириш жараёнида ҳаётий вазиятларни моделлаштиришга йўналтирилган ҳамда таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги жамоавий фаолиятини ташкил этишга доир шартли-вазиятли, имитацион, вазиятни моделлаштириш, ижодий суҳбат, ассоциация каби нарратив ўйинлардан фойдаланишнинг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланган;

бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришга доир дарсдан ташқари машғулот ишланмалари яратилган;

ўқувчилар учун “Болалар – бу сизнинг ҳуқуқларингиз!” тўғарак машғулотлари дастури ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқитувчилари учун “Ҳуқуқий тарбиявий муҳитни шакллантириш” номли танлов модули дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда ҳуқуқий таълим-тарбия соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланганлиги; илмий иш вазибаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг

репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш мазмун-моҳиятининг очиб берилганлиги, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, ҳуқуқий билимларнинг эмоционаллик даражасини кенгайтириш, ҳуқуқий хулқ-атворнинг йўналтирувчиси сифатида анъана ва кадриятларнинг аҳамиятини англашнинг кичик мактаб ёшида намоён бўлиш шакллари ва омилларининг аниқлаштирилганлиги, ҳуқуқий онгнинг тузилмаси ва компонентларининг аниқланганлиги, “Тарбия” фанининг ўқувчиларда ҳуқуқий онгни шакллантиришга доир дидактик имкониятларининг ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгнинг ривожланганлигини ташхис этиш тизими, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳуқуқий онгни ривожлантириш модели ва педагогик технологиясининг ишлаб чиқилганлиги, дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларда ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг дидактик таъминотининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш технологиясига доир тадқиқот натижалари асосида:

бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг тузилмаси ҳамда бошланғич таълим жараёнида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 89-03-5350-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг педагогик технологиясини такомиллаштириш, ахлоқий-ҳуқуқий мавзудаги бадий асарларни шарҳлаб ўқиш, видеосюжетларни жуфтлик ва кичик гуруҳларда таҳлил этиш, ўзининг салбий хулқини баҳолашга доир рефлексив ва проектив методикаларни дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида тизимли қўллашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Халқ таълими вазирининг 2018 йил 14 декабрдаги 316-сонли буйруғи 2-иловаси билан тасдиқланган халқаро тадқиқотларда иштирок этиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 18 декабрдаги 03/03-1549-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг ҳуқуқий тавсифдаги матнлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳуқуқий онгни ривожлантириш жараёнида ҳаётий вазиятларни моделлаштиришга йўналтирилган, таълим

олувчиларнинг ҳамкорликдаги жамоавий фаолиятини ташкил этишга доир нарратив ўйинлардан фойдаланишга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ИТД-4-108. “Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш: муаммо ва вазифалар” (2009-2011 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 89-03-5350-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришда ҳаётий вазиятларни моделлаштириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 119 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш долзарб муаммо эканлиги, ўқувчиларда ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳамда амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган.

Тадқиқот доирасида ҳуқуқий онг ходисасининг моҳиятини тушуниш учун унинг турли талқинлари таҳлиliga эътибор қаратилди. Ҳуқуқий онгга бағишланган қатор ишларда мазкур тушунчанинг таърифлари келтириб ўтилган. Бироқ тушунчага берилган таърифлар умумий тавсифга эга бўлиб, муаммо моҳиятини тушунишга ҳамма вақт ҳам яхши имкон бермайди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий воқеликни тушуна олиш ва ҳуқуқий билимларга эга бўлишни тақозо этади.


Инсонлар борлиқни англаши учун хизмат қиладиган турли ижтимоий

онг шакллари мавжуд. Ҳукукий онг ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ҳукукий меъёр эса, хилма-хил ижтимоий талаблар сирасига киради. Ижтимоий онгнинг бошқа шакллари (ахлоқ, илм, дин) каби ҳукукий онг инсоннинг уни ўраб турган борлиққа муносабатини акс эттиради.

Демак, ҳукукий онг учун қуйидаги жиҳатлар ҳосдир: ижтимоий онг шаклларида бири; инсонларнинг ҳукукий ҳодисаларга баҳо тавсифидаги психологик муносабатини акс эттирувчи ғоя, назария, ҳис-туйғу, нуқтаи назар каби компонентлардан ташкил топади; нафақат бугун, балки ўтмиш ва келажакка ҳам муурожаат қилади; ижтимоий-ҳукукий вазиятларда ҳукук субъектларини танлов ва ҳукукий меъёрларни қабул қилишга йўналтиради.

Тузилишига кўра ҳукукий онг икки асосий компонентдан иборат: ҳукукий мафкура ва ҳукукий психология. Ҳукукий мафкура ҳукук ва унинг ижтимоий муносабатларини тартибга солишдаги роли ҳақидаги илмий асосланган нуқтаи назарлар тизимини ўзида ифода этади. Ҳукукий психология инсонларнинг ҳукукий ҳодисаларга баҳо тавсифидаги психологик ёндашувини ифода этадиган ҳис-туйғу, одат, қадриятли муносабатни акс эттиради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мактаб ўқувчиларининг ҳукукий қарашлари ҳамма вақт ҳам анланган ва тўлиқ тавсифга эга эмас. Турли ҳаётий вазиятларда тенгдошлар ва катталар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ўқувчилар баъзан ҳукукий ҳодиса ҳамда далилларни нотўғри баҳолашади. Бу эса, бошланғич синфданок ўқувчиларда ҳукукий онгни ривожлантиришнинг когнитив, хулқ-атворга доир ва эмоционал-баҳоловчи компонентларини таркиб топтиришни тақозо этади (1-расмга қаранг).



1-расм. Ҳукукий онгнинг асосий компонентлари ва тавсифи

Замонавий шароитда бола олдидан хулқ-атворнинг маълум бир вариантини ҳисобга олиб, вазиятни ҳал этиш бўйича танлов муаммоси туради. Ижтимоий ҳавфсиз ва фойдали хулқ-атвор танлови тўғридан-тўғри ҳукукий онг даражасига боғлиқ. Шунинг учун бошланғич синфданок ҳукукий маданиятнинг мазкур компонентини таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бошланғич синфларда ҳукукий онгни ривожлантириш самарали бўлиши учун зарур метод ва усулларни оқилона танлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Педагогик-психологик адабиётларда ҳукукий онг тушунчасига берилган турли таърифларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосага келинди: ҳукукий онг ўзида ҳукукий билим ва кўникмаларга эга бўлиш, улардан

фойдаланиш, ҳуқуққа эмоционал-баҳоловчи муносабат, уни қўллаш, ҳуқуқий установка ва қадриятли йўналганликни акс эттиради.

Тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг қатор педагогик-психологик ўзига хосликлари аниқлаштирилди. Психологик хусусиятлар сифатида кичик мактаб ёшининг ўзига хосликлари ва билиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилди. Педагогик хусусиятлар сифатида ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва ўқувчиларнинг фикрлашини ривожлантиришнинг моҳияти ёритиб берилди.

Умумий ўрта таълимда ўқишни бошиданок кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ривожланишида ижтимоий ўзгаришлар рўй беради. Бола ижтимоий аҳамиятли мажбуриятларга эга бўлади, яъни “ижтимоий” субъектга айланади. Мазкур ёш даврида ўқув фаолияти етакчи ўрин тутаяди. Ўқув фаолияти доирасида кейинги даврлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилувчи психологик ўзгаришлар содир бўлади.

Бошланғич синф ёшида хулқ-атворнинг янги – ихтиёрий кўринишдаги шакли намоён бўлади. Бола ўзини мустақил ҳис қила бошлайди, хатти-ҳаракатлар йўналишини ўзи танлайди ва ўз истагига кўра уларни такомиллаштириб боради. Ахлоқий ривожланишнинг асосини эса, мотив ташкил этади. Улғайиб борган сари ҳар сафар ахлоқий жиҳатларни танлайди, қоида ва қонунларга риоя қилиш истагини намоён қилади. Бу ўзига ҳурматни ошириш, ўз фикрларини маъқуллаштириш ёки тенгдошлари орасида ўзининг нуқтаи назарига эгаллигини кўрсатиш истаги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, мазкур ёш даврида муваффақиятга эришиши мотиви билан алоқадордир.

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш психологик хусусият сифатида рефлексия билан ҳам боғлиқдир. Рефлексия ва ҳаракатларни режалаштириш – кичик мактаб ёшидаги болалар билан боғлиқ ихтиёрий хулқ-атворнинг янги кўриниши.

Кичик мактаб ёшининг яна бир ўзига хослиги мазкур даврда бола онгида хулқ-атвор намуналарининг пайдо бўлишидир. Ушбу даврдан бошлаб бола қадриятларни тушуна бошлайди ва ахлоқий идеалларнинг зарурлигини англайди. Бола шахсининг шаклланиш жараёни тўғри ва асосли бўлиши учун катталарнинг эътибори ва баҳоси муҳим ўрин тутаяди. Бошланғич синф ўқувчисининг хатти-ҳаракатларига баҳо кўринишидаги муносабати боланинг ахлоқий ҳис-туйғуларни тушуниши ва идрок этиши, унинг ҳаёт давомида танишиб борадиган меъёр ҳамда қоидаларни диққат билан кўра олишига катта таъсир кўрсатади.

Айниқса, кичик мактаб ёш даврида боланинг юриш-туриши ва хулқига қараб унинг ички оламини тушуниш мумкинлиги ҳуқуқий онгни ривожлантиришга яхши имкон беради. Айнан боланинг ички оламидаги ўзгаришларнинг ташқи намоён бўлиши катталар томонидан мунтазам эътиборни талаб этиши ушбу ёш даври учун хосдир.

Кичик мактаб ёш даврининг асосий ютуғи ўқув фаолиятининг етакчи ўрин тутиши ва таълим олишнинг кейинги босқичлари учун ҳал қилувчи аҳамият касб этишидир. Ушбу ёш даври сўнгида бола учун ўқишга хоҳиш-

истак, лаёқат ва ишонч хос бўлиб, у ҳамма нарсага қодир ва барчаси ўз қўлида эканлигини англаб етади.

Тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг амалиётдаги ҳолати ҳам ўрганилди. Бунинг учун умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари таҳлил этилди ҳамда тажриба объектларида бевосита кузатиш амалга оширилди. Ўқув дастурларини таҳлил этиш натижасида, бошланғич синфларда экологик, жисмоний-соғломлаштирувчи, эстетик тарбияга катта эътибор қаратилиши ҳақидаги хулосага келинди. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш “Аτροφимиздаги олам” ва “Тарбия” фанлари доирасида маълум даражада амалга оширилади. Маънавий-маърифий иш режалари таҳлили эса, тарбиявий соатларда ҳуқуқий тарбия билан боғлиқ айрим мавзуларда машғулотлар ўтказилишини кўрсатди: “Мақтабдаги қоидалар билан танишиш”, “Ҳаётимиздаги муҳим кадриятлар”, “Шахсий хавфсизлик қоидалари” (1 синф); “Нима яхши-ю, нима ёмон?”, “Уй, мактаб ва жамоат жойларида ўзини тутиш қоидалари”, “Давлат рамзлари” (2 синф); “Ахлоқ ва қонун”, “Мен – фуқароман” (3 синф); “Бола ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинади?”, “Инсон ва жамият” (4-синф).

Шунингдек, бошланғич синфларда ташкил этилган таълим-тарбия жараёнлари билан танишиш ҳуқуқий тарбия сушт амалга оширилиши, асосий эътибор боланинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиришга қаратилишини кўрсатди. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларда ҳуқуқий онгни ривожлантиришга муносабатини аниқлаш мақсадида анкета ўтказилди. Анкетани ўтказиш жараёнига 32 нафар педагог жалб этилди. Анкета натижалари 1-жадвалда ўз аксини топган.

1-жадвал

Педагогларнинг ўқувчиларда ҳуқуқий онгни ривожлантиришга муносабати тавсифи

№	Саволлар	Жавоблар таҳлили
1.	Болаларда ҳуқуқий онгни ривожлантириш бугунги кунда муҳим саналадимиз?	Анкета жараёнида иштирок этган барча педагоглар ижобий жавоб беришган.
2.	Ҳуқуқий онг деганда нимани тушунаси?	“болаларнинг ҳуқуқий меъёр ва одоб қоидаларини англаши, нима яхши-ю, нима ёмон эканлигини тушуниши”; “эркинлик, фуқаролик ҳуқуқи”; “ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш”.
3.	Болалар қайси ёшда ўз ҳуқуқларини билиши керак, деб ҳисоблайсиз?	28 нафар педагог бошланғич синфдан, 4 нафари туғилганидан тарзида жавоб беришган.
4.	Сизнинг мактабингизда ҳуқуқий тарбия қай тарзда амалга оширилади?	20 нафар педагог “давра суҳбати, тадбир, кеча”, 8 нафар педагог “маълумотлар ойнаси”, 4 нафар педагог “мунозара, ақлий ҳужум, танкидий фикрлашга йўналтириш” орқали амалга оширилишини таъкидлаб ўтишган.
5.	Болаларда ҳуқуқий онгни ривожлантириш жараёнини самарали амалга ошириш учун нима зарур деб ҳисоблайсиз?	“ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан учрашувлар ўтказиш”; “педагоглар томонидан маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш”; болаларни ҳуқуқий вазиятлар билан таништиришига доир ролли ўйинлар ва мунозаралар ўтказиш.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, педагогларнинг барчаси болаларда ҳуқуқий онгни шакллантириш жуда муҳим эканлигини эътироф этишган. “Ҳуқуқий онг” тушунчаси педагоглар томонидан “болаларнинг ҳуқуқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидаларини тушуниши”, “ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши” тарзида турлича талқин қилинган. Синалувчиларнинг бирортаси ҳам “ҳуқуқий онг” тушунчасининг тўлиқ таърифини бера олмаган. Педагогларнинг кичик мактаб ёшиданок болаларнинг ўз ҳуқуқларини билиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари эса, ўринлидир.

Мавжуд амалиёт натижалари бошланғич синфлар учун ҳуқуқий тарбияга доир алоҳида дастурнинг мавжуд эмаслиги, ўқувчилар билан ишлашда ролли ва ишчанлик ўйинлари, акция, ижодий ишлар сингари шакл ва методлардан фойдаланилмаслигини кўрсатди. Энг асосийси, бошланғич синфларларда ҳуқуқий тарбияни тизимли ва мунтазам амалга ошириш эътибордан четда қолган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтириш мазмуни, модели ва технологияси ёритиб берилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтириш билан бевосита боғлиқдир. Ҳуқуқий тушунчалар эса ўз навбатида ҳуқуқий тасаввур орқали шаклланади. Тасаввур ҳуқуқий тушунчанинг негизи, асосидир. Тушунчаларни ўзлаштириш уларнинг кўпроқ муҳим, мавжуд белгиларини билиб олишни англатади. Индивидуаллик касб этувчи тасаввурдан фарқли равишда тушунчалар ягона таърифга эга бўлади.

Ҳуқуқий тушунчаларнинг муҳим белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) ўқувчиларнинг хулқ-атворида йўналтирувчи таъсир ўтказиш. Ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида нимани қилиш мумкин (рухсат этилган меъёрлар); нима қилиш керак (тавсифий меъёрлар) ва нимани қилиш мумкин (таъқиқланган меъёрлар) эмаслиги белгилаб берилади; 2) исталган ҳуқуқий тушунчалар (ҳуқуқ, бурч, мажбурият, ҳуқуқий меъёр, ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқ бузлиши ва ҳ.к.) атроф воқеликнинг ҳуқуқий тавсифини ўзида акс эттиради.

Тадқиқот мавзусига доир адабиётларни таҳлил этиш асосида ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтиришнинг қуйидаги босқичлари аниқлаштирилди: 1) тушунчаларга хос белгиларни ажратиш; 2) муҳим белгиларини таҳлил қилиш, номлаш; 3) ўрганилаётган тушунчанинг бошқалари билан алоқадорлигини ҳосил қилиш, муҳим белгиларига кўра ўхшаш жиҳатларини ажратиб кўрсатиш; 4) ўзлаштирилган тушунчани қўллаш.

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтиришда ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал ўзига хосликларига эътибор қаратиши лозим. Ана шундай ўзига хосликлардан бири когнитив услубдир. Когнитив услуб воқеликни идрок этиш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш, таснифлар, баҳолашдаги индивидуал фарқлар кўринишида

ахборотларни қайта ишлашнинг индивидуал ўзига хос усулларини ўзида акс эттиради. Тадқиқотимиз доирасида “қисман тобелик – қисман мустақиллик”, “ихтиёрсиз (импульсив) – рефлексив” тарзидаги когнитив услубни қўллаш орқали ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтириш алгоритми ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтириш алгоритми

Ҳуқуқий тушунчани таркиб топтириш босқичлари	Фикрлаш жараёни тавсифи
Биринчи босқич – тушунчанинг муҳим белгиларини ажратиш мақсадида материални таҳлил этиш	Таҳлил этиш, таққослаш, мавҳумлаштириш
Иккинчи босқич – белгиларни умумлаштириш, улар орасидаги алоқадорликни ҳосил қилиш	Таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, хулоса қилиш
Учинчи босқич – тушунчанинг маъносини тушуниш, белгилар ва улар орасидаги алоқаларнинг моҳиятини аниқлаш	Хулосалаш, мавҳумлаштириш, таҳлил қилиш
Тўртинчи босқич – янги ўқув материалида ўрганилаётган тушунчани конкретлаштириш. Билимларни амалиётда қўллашни машқ қилиш. Аввал ўзлаштирилган ва ўрганилаётган тушунча ўртасидаги алоқани ҳосил қилиш	Таҳлил этиш, таққослаш, мавҳумлаштириш, хулоса қилиш, умумлаштириш

Муаммога доир психологик-педагогик адабиётларни ўрганиш асосида “ихтиёрсиз (импульсив) – рефлексив”, “қисман тобелик – қисман мустақиллик” тарзидаги когнитив услубларни ҳисобга олиш асосида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтиришга доир топшириқларни танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтириш алгоритми

Ўқувчининг когнитив услуби йўналиши	Тавсиялар
Ихтиёрсиз, қисман тобе	1) муҳим, асосий тавсифини ажратиш орқали ўрганилаётган жараён ҳақида бирдан яхлит тасаввурни ҳосил қилиш; 2) ўқитишнинг тушунтиришли-тасвирий ва репродуктив методларини самарали қўллаш.
Ихтиёрсиз, қисман мустақил	1) ўқитишнинг изланишли ва муаммоли методларни кўпроқ қўллаш лозим; 2) муаммоли саволлардан фойдаланиш; 3) тушунчаларни ўзлаштиришнинг бошланғич босқичида бир уриниш билан бажариладиган савол ва топшириқлардан фойдаланиш зарур.
Рефлексив, қисман тобе	1) ўрганилаётган жараённинг моҳияти, муҳим жиҳатларини ифодалаб бериш; 2) асосий таркибий қисмлари ва улар орасидаги боғлиқликни ажратиш кўрсатиш
Рефлексив, қисман мустақил	1) ўқувчиларга кўпроқ эркинлик ва мустақиллик бериш, ўқитишнинг муаммоли-изланишли ва индуктив методларини қўллаш; 2) чуқур тушуниш, англашни талаб этувчи савол ва топшириқлардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, когнитив услубни ҳисобга олиб, топшириқларни табақалаштириш асосида тақдим этиш бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий тушунчаларни самарали таркиб топтиришга имкон беради, шунингдек, синфдаги барча ўқувчиларнинг ўқув материаллини бир хил даражада ўзлаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг). Модел ўз ичига мақсадли, мазмунли, ташкилий-жараёнли, мезонли-ташхислашга доир компонентларни қамраб олди.

Моделда бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш мақсад сифатида белгиланган. Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда ҳуқуқий тушунчаларни таркиб топтириш, дарс ва дарсдан ташқари пайтда ҳуқуқий онгни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш, ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва нарратив ўқитиш технологиясини такомиллаштириш вазифалари аниқлаштирилган.


Моделнинг мазмунли компоненти ҳуқуқий онгни ривожлантириш тузилмасига мувофиқ когнитив, хулқ-атворга доир ва эмоционал-баҳоловчи таркибий асосларни ўзида акс эттирди.

Ташкилий-жараёнли компонент ҳуқуқий онгни ривожлантириш босқичлари, ўқитиш шакл, технология, метод, воситалари, фаолиятни ташкил этиш усуллари ҳамда педагогик шарт-шароитлардан иборат.

Диссертация мавзуси доирасида амалга оширилган эмпирик тадқиқот, назарий-методологик ҳамда дискурсив таҳлилларга таяниб, ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш ва самарали бошқаришда модерация ҳамда нарратив таълим технологияларини амалиётга татбиқ этиш мақсади белгиланди.

Таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида модерация технологияси қўйидаги қадамлар кетма-кетлиги асосида амалга оширилди: ўқув фаолияти натижаларини башоратлаш, ўқувчиларни тарбиялаш, ривожлантириш ва ижтимоийлаштириш, гуруҳ жараёни иштирокчиларининг самарали ўзаро таъсири, таълим жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида тартибли маълумот алмашиш, дарс жараёни ва ўқув жараёни натижаларининг кўринишини таъминлаш (визуализация), таълим жараёнидаги барча иштирокчиларининг мотивацияси (мотивация), ўқув жараёни мониторинги; (мониторинг), иштирокчиларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва натижаларни баҳолаш (натижа ва баҳолаш), ўз-ўзини таҳлил қилиш ва баҳолаш (рефлексия).

Нарратив атамаси инглиз тилидан таржима қилинган бўлиб, “баён этиш”, “ҳикоя”, “композиция”, “тарих” деган маънони англатади. Нарративлик лингвистик ҳаракатдир, яъни оғзаки баён қилиш, тўғридан-тўғри гапириш, қайта ҳикоя қилиш, инсонлар ва уларнинг муаммолари ҳақида ҳикоятлар айтиб беришдир. Анъанавий маънода нарратив бу – реал ёки ҳаёлий воқеаларни у ёки бу кетма-кетликда тасвирлаш (адабий ва бадий иншо, жамоат олдида нутқ, ҳикоя, ҳажв, кўшиқ, фильм, видео, театр, ўйин, рақс, эртак, афсона, асарлар, бадий ва ижодий фаолият ва бошқалар).



2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантириш модели

Ҳақиқатни акс эттирувчи тизим сифатида нарративлик ҳаётнинг маълум бир соҳасининг драматик модели ҳисобланади. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда ҳикоянинг чизма моделлари куйидаги кўринишда акс этади: 1) маълум бир ҳаётӣй вазиятга тушиб қолган, маълум бир соҳада ҳаракат қиладиган ҳикоя қаҳрамонлари; 2) уларнинг ижобӣй ва салбӣй хатти-ҳаракатлари. Бундан ташқари, ҳикоя қилиш чизмаси тўғридан-тўғри қаҳрамонларнинг асосӣй ният-истаклари ва уларни амалга ошириш учун режа моделлари; 3) ният ва режаларни амалга ошириш пайтида қаҳрамонларни кутаётган турли воқеалар ва оқибатлар; 4) қийинчиликларни енгиш ва ниятларни амалга ошириш шартлари ҳамда имкониятлари.

Тадқиқотимизда нарратив ўйин бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқӣй онг асосларини ривожлантиришнинг асосӣй воситаси этиб белгиланди.

Таҳлил натижалари асосида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқӣй онгни ривожлантиришга доир нарратив ўйин куйидаги босқичларда амалга оширилиши лозимлиги аниқлаштирилди: биринчи босқичда болаларнинг ҳуқуқӣй онги билан боғлиқ бўлган ҳис-туйғулари ва ҳиссиётлари (адолат туйғуси, қонунийлик ҳисси, ўзини ўзи қадрлаш ва ҳк) уйғотилади; иккинчи босқичда ҳуқуқӣй ҳис-туйғулар ва ҳуқуқӣй онг билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлар, қизиқишлар, ижтимоӣй муносабатлар, қадриятли йўналишлари ва мотивлар ривожлантирилади; учинчи босқичда ҳиссиётлар, шунингдек, ҳуқуқӣй онгнинг мотивлари ҳосил қилинади; тўртинчи босқичда ҳуқуқӣй туйғулар, ҳиссиётлар, фикрлаш, дунёқараш, ахлоқӣй бурч ва масъулият таркиб топтирилади; бешинчи босқичда ҳуқуқӣй онгнинг барча таркибӣй қисмлари ироданинг ривожланишига таъсир қиладди.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқӣй онгни ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқӣй онгни ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг методик таъминоти, тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқӣй онгни ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари уч босқични ўз ичига олди: биринчи – аниқловчи босқич (2017-2018 ўқув йили), иккинчи – шакллантирувчи босқич (2018-2019 ўқув йили), учинчи – умумлаштирувчи босқич (2019-2020 ўқув йиллари).

Тажриба-синов ишларига Навоӣй вилояти Навоӣй шаҳар 12-ихтисослаштирилган давлат умумӣй ўрта таълим мактабининг 138 нафар, Бухоро вилояти Бухоро шаҳар 16-умумӣй ўрта мактабининг 122 нафар, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар 9-умумӣй ўрта таълим мактабининг 116 нафар бошланғич синф ўқувчиси иштирок этди. Тажриба-синов ишларига жами 376 нафар респондент-ўқувчилар жалб қилинган бўлиб, шулардан 185 нафар ўқувчи тажриба ва 191 нафар ўқувчи назорат гуруҳини ташкил қилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқӣй онгни ривожлантиришнинг

когнитив, хулқ-атворга доир ва эмоционал баҳоловчи компонентларнинг таркиб топганлигини ўрганишга мўлжалланган диагностик методикалар мажмуи ишлаб чиқилди:

1) биринчи гуруҳ диагностик методикалар (индивидуал суҳбат, тугалланмаган гаплар методикаси) ўқувчиларнинг ҳуқуқнинг йўналтирувчи моҳиятини тушунишдаги ўзига хосликларини ўрганиш, шунингдек, уларнинг ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлашга хизмат қилди;

2) иккинчи гуруҳ диагностик методикалар (вазиятли ўйинлар) қоидалар асосида ҳаракатланишни талаб этувчи вазиятлар, шунингдек, синфдаги меҳнат, топшириқларни бажариш жараёнида ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш жараёнида ўқувчиларнинг хулқ-атворини кузатишга имкон берди;

3) учинчи гуруҳ методикалар (вазиятли тестлар, расмлар) асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий онгини ривожлантиришнинг эмоционал-баҳоловчи компонентининг ўзига хосликлари; ҳуқуқ меъёрларига тўғри ва барқарор эмоционал муносабат даражаси, ижтимоий-ҳуқуқий ўзаро биргаликдаги фаолият жараёнида уларга амал қилиши ёки қилмаслиги тадқиқ этилди.

